O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*«Ватанимизни, миллий қадриятларимизни доимо эъзозлашимиз, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг қадрига етишимиз, уларни янада мустаҳкамлашимиз керак.»*

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2007-yil • 15-may • Seshanba • 58 (27.703) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

# ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

**Пойтахтдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 14 май куни Ўзбекистон — Россия бизнес-форуми бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Сиёсий тадқиқотлар маркази ва Савдо-саноат палатаси, Россия томонидан Саноат бўйича федерал агентлик, Стратегик тадқиқотлар институти, Савдо-саноат палатаси ва Россия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши ташкил этди.**

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Рустам Азимов мамлакатларимизнинг иқтисодий ҳамкорлиги изчил ривожланиб бораётганини, бунда президентлар — Ислом Каримов ва Владимир Путин 2005 йил ноябрь ойида имзолаган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Россия Федерацияси Саноат бўйича федерал агентлиги раҳбари Борис Алёшин Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлиги Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномага мувофиқ тарзда ривожланиб бораётганини, алоқаларнинг қамрови йилдан-йилга кенгаяётганини қайд этди.

Россиялик ишбилармонлар мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти, сармоявий муҳит, хусусийлаштириш жараёнидаги янгиликлар билан атрофлича танишдилар.

Ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асоси икки юздан зиёд ҳужжатдан иборат. Уларнинг элликка яқини иқтисодий соҳага тааллуқли. 1997 йилдан Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия фаолият кўрсатиб келмоқда. Жорий йилнинг март ойида Москвада унинг тўққизинчи мажлиси бўлиб ўтган эди.

Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 51,3 фоиз ўсиб, 3,117 миллиард АҚШ долларини ташкил қилгани ҳамкорлик муваффақиятли давом этаётганига ёрқин мисолдир. Эътиборли томони шуки, Ўзбекистон экспортида юқори даражадаги қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар ва хизматлар салмоғи тобора ошмоқда. 2005 йилда бу борадаги кўрсаткич 76 фоизни ташкил этган бўлса, 2006 йили 80 фоиздан ошди. Россия компаниялари мамлакатимизда ўтказилаётган халқаро аҳамиятга молик иқтисодий тадбирларда фаол қатнашмоқда. Хусусан, халқаро пахта ярмаркасида, минитехнологиялар, агросаноат маҳсулотлари кўргазмаларида мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Ўтган йили Россия Ўзбекистондан бир миллион тоннадан зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулоти сотиб олди. Аввалги йилларда бу кўрсаткич 300 минг тоннадан ошмасди.

Ўзбекистонда Россия сармояси иштирокида тузилган қўшма корхоналар сони беш юздан ошади. Улар орасида «Петромарузгаз» (кимёвий маҳсулотлар), «Вимм-Билль-Дан — Тошкент» (сут маҳсулотлари), «Балтимор-Челак» (консерва), «Элимпекс» (тўқимачилик), «Электроизолит» (қурилиш материаллари) каби корхоналар айниқса муваффақиятли фаолият юритмоқда. Юртимизда 132 Россия фирма ва компанияси ўз ваколатхонасини очган. Россияда Ўзбекистон сармояси иштирокида тузилган корхоналар сони ҳам кўпаймоқда. Айни пайтда уларнинг сони уч юзга яқинлашиб қолди. Ҳамкорликнинг асосий соҳалари — савдо, энергетика, суғурта, молия сектори, озиқ-овқат, фармацевтика, ёғочни қайта ишлаш, электротехника ва саноатнинг кўплаб бошқа тармоқлари.

Мутахассислар мамлакатларимиз иқтисодиётнинг деярли барча соҳаларида самарали ҳамкорликни ривожлантириши мумкинлигини таъкидлашади. Айниқса, нефть-газ, тоғ-кон саноати, қора ва рангли металлургия устувор тармоқлардир. Бундан ташқари, телекоммуникация ва дастурлаш таъминоти, машинасозлик, ускунасозлик, кимё, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, тўқимачилик, сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ.

Ёқилғи-энергетика мажмуидаги ҳамкорлик алоҳида диққатга сазовордир. Айни пайтда Ўзбекистонда «Газпром» ва «Лукойл» компанияларининг 2,5 миллиард долларлик сармояси ўзлаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг вилоятлари билан Россия Федерациясининг субъектлари ўртасидаги бевосита алоқалар ҳам изчил ривожланмоқда.

Бизнес-форум қатнашчилари ёқилғи-энергетика мажмуи, аграр сектор, саноат ва машинасозлик, енгил саноат соҳаларидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид мавзуларда фикр алмашдилар. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, фармацевтика, электротехника, сайёҳлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби йўналишлар ҳамкорлик учун анъанавий саналса, сут-гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш, парандачилик ва чорвачилик нисбатан янги соҳалардир.

Мева-сабзавотни қайта ишлаш ҳам икки томонга катта фойда келтиради. Ўзбекистонда йилига 10 миллион тонна мева-сабзавот етиштирилади. Бу миқдор мева-сабзавотни қайта ишлайдиган қўшма корхоналарни кўпайтириш, тайёр маҳсулот экспорти ҳажмини ошириш имконини беради.

Бизнес-форумда иштирок этган Россия делегацияси сафида тўқсонга яқин федерал ва минтақавий миқёсдаги фирма ва компания раҳбарлари бор. Уларнинг барчаси янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тарафдори. Демак, бизнесменларнинг мулоқоти ўнлаб янги лойиҳалар учун имконият яратади. Бу эса Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

**(ЎзА)**

**Президентимизнинг 2006 йил 25 июлдаги «Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига биноан шу йил кўҳна ва навқирон Самарқанд ўзининг қутлуғ тантаналарини нишонлайди. Шу муносабат билан айни дамда ушбу қадимий илму маърифат бешигида байрамолди тайёргарлик ишлари қизғин.**

**Яқинда мухбиримиз дунё халқлари эътиборини тортаётган мазкур нуфузли анжуманнинг бадиийлаштирилган қисми ва уни ўтказиш билан боғлиқ маданий-маърифий тадбирлар режаси юзасидан вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Фармон РОЗИҚОВ билан суҳбатлашди.**






# МАДАНИЯТЛАР ЧОРРАҲАСИДАГИ ШАҲАР

2-бет





## МАКТАБЛАРНИНГ КЎРКАМ ҚИЁФАСИ

Яқинда Қува туманидаги Деҳқонобод қишлоғида фойдаланишга топширилган янги мактаб 800 нафардан ортиқ қишлоқ ёшларини ўз бағрига олди. Замонавий услубда қурилган ўқув даргоҳида ёшларнинг билим олиши, спорт-соғломлаштириш машғулотларида чиниқиши учун барча шарт-шароит яратилган.

— Умуммиллий дастурга мувофиқ туманимиздаги 66 мактабда капитал реконструкция, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилади, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири вазифасини бажарувчи Акрамжон Алижонов. — Шу пайтга қадар 25 та мактаб капитал реконструкция ва жорий таъмирдан чиқарилди. Айни пайтда яна бешта мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Бу ишларда саховатпеша тадбиркорларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда.

**М. СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири**

❖ **Анжуман**

## СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ва «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази Германиянинг Фридрих Эберт номли жамғармасининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси ҳамкорлигида 1998 йилдан буён Фуқаролик форуми доирасида турли тадбирлар ўтказиб келади. Куни кеча ушбу ҳамкорлик доирасида навбатдаги давра суҳбати бўлиб ўтди. Олимлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган ушбу анжуман «Сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти: Ўзбекистон ва Германия тажрибаси» мавзуига бағишланди.

Унда Ўзбекистон ва Германия тажрибаси мисолида фуқаролик жамияти институтлари фаолияти, сиёсий тизимда партияларнинг аҳамияти, давлат органлари ва жамоат муассасалари билан ўзаро муносабатларини чуқурроқ ўрганишга эътибор қаратилди. Таъкидландики, Ўзбекистон сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда ўз тажрибасига таянади. Айни вақтда бошқа давлатларнинг босиб ўтган йўлини ўрганиш ҳам мақсадга мувофиқ. Германиянинг конституциявий-ҳуқуқий институтлари ривожланиши тажрибаси ўрганишга муносиб. «Ижтимоий фикр» маркази томонидан ҳар йили «Сиёсий партияларга жамоатчилик томонидан берилган баҳо» мавзуида социологик тадқиқотлар олиб борилади. Натижалар шуни кўрсатаяптики, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида сиёсий партияларнинг роли тобора ортиб бораяпти.

Кун тартибидаги мавзу юзасидан Фридрих Эберт номли жамғарманинг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси раҳбари доктор Крумм ва жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори ўринбосари Марат Ҳожимуҳаммедовнинг маърузалари қизиқиш билан тингланди.

Давра суҳбати давомида «Германиянинг сиёсий партиялар тўғрисидаги қонуни» номли китобнинг (ўзбек, немис ва рус тилларида нашр этилган) тақдимоти бўлиб ўтди.

**Беҳзод ШУКУРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

**Пойтахтимизда инновацион ахборот воситалари ва материаллари ёрдамида гўдакларнинг парваришига ёндашувни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланган семинар бошланди.**

**Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ва БМТ Болалар жамғармасининг (ЮНИСЕФ) мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда қатор вазирлик ва идоралар, жамоат бирлашмалари вакиллари иштирок этмоқда.**

## БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ ЙЎЛИДА

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Нурия Туреева мамлакатимизда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан юртимизда ёш авлоднинг таълим олиши ва касб эгаллашига, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган қатор мақсадли давлат дастурлари изчиллик билан амалга оширилаётгани бунинг ёрқин далилидир.

ЮНИСЕФ томонидан ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, боланинг ақлий ва жисмоний жиҳатдан соғлом ривожланиши, аввало, гўдаклигида унинг парваришига қаратилган зарур эътиборга боғлиқ. Чунки, бола организми ва ақлий салоҳияти айнан олти ёшгача бўлган даврда тез ривожланади. Бу эса унинг шахс сифатида шаклланишида муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур тадбирни ўтказишдан асосий мақсад ҳам бу борада мамлакатимизда ва жаҳонда орттирилган тажрибадан фойдаланган ҳолда ёш авлодни ақлан ва жисмонан камол топтиришга оид янги самарали механизмларни ишлаб чиқиш ва оммалаштиришдан иборат.

— Ўзбекистонда болаларнинг баркамол улғайиши учун барча шарт-шароит яратилган, — деди ЮНИСЕФ ваколатхонаси раҳбари Ризо Ҳусайний. — Мамлакатда таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасида кенг кўламли хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Ёш авлодга ғамхўрлик масаласига оммавий ахборот воситаларида, жамоат бирлашмалари ва маҳалла кенгашларида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мақсадимиз баркамол авлодни вояга етказиш борасида Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан иборат.

18 майгача давом этадиган анжуманда олти ёшгача бўлган болаларни ақлан ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш усуллари, уларнинг улғайишига атроф-муҳитнинг таъсири ва бунда оиланинг тутган ўрнига оид масалалар юзасидан фикр алмашилади.

**Нодира МАНЗУРОВА, ЎзА мухбири**

## ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Ўзбек Миллий академик драма театрида шоира Увайсий ҳаёти ва ижодига бағишланган «Увайсий» спектакли премьераси бўлиб ўтди. Режиссёр Валижон Умаров саҳналаштирган мазкур спектаклда XVIІ асрдаги ижтимоий-адабий муҳит, бетакрор шоиралардан Жаҳон Отин Увайсий ва Нодиранинг ҳаёти ва ижоди, ўй-хаёллари, ички кечинмалари, ўша давр сиёсий тузуми ҳамда бошқа воқеалар ҳақида ҳикоя қилинади.

Спектаклда Увайсий ролини ижро этган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Саида Раметованинг ижро маҳорати, айниқса, ўша давр муҳитига хос зиддиятли ҳолатларда шоира сиймосини зўр ҳаяжон билан акс эттириши томошабинларда катта таассурот қолдирди. Яна бир қаҳрамон — Нодирабегим ролини маромига етказиб ижро этган Зуҳра Ашурова эса мазкур образга хос ҳис-туйғулар ва ички кечинмаларни юксак маҳорат билан очиб берган.

Ушбу премьеранинг аҳамиятли томони шундаки, унда фарзандларнинг ота-онага бўлган чексиз ҳурмат-эътибори тасвирланганидир. Увайсий фарзандларининг ўз онасига бўлган меҳр-муҳаббати, илиқ муносабати ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Бу эса, шубҳасиз спектакль таъсирчанлигидан далолатдир.

**Гўзал ХАЙРИДДИНОВА, ЎзДЖТУ талабаси**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 15 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1047,60 | 1 Польша злотийси | 453,21 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2495,84 | 1 СДР | 1908,50 |
| 1 Дания кронаси | 228,83 | 1 Туркия лираси | 941,42 |
| 1 БАА дирҳами | 342,51 | 1 Швейцария франки | 1033,71 |
| 1 АҚШ доллари | 1257,92 | 1 ЕВРО | 1704,23 |
| 1 Миср фунти | 221,37 | 10 Жанубий Корея вони | 13,60 |
| 1 Исландия кронаси | 19,70 | 10 Япония иенаси | 104,68 |
| 1 Канада доллари | 1133,47 | 1 Россия рубли | 48,64 |
| 1 Хитой юани | 163,95 | 1 Украина гривнаси | 249,09 |
| 1 Малайзия ринггити | 369,92 | | |

** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

### УЙҚУ

Бобо ва набира ухлар узун кун,
Бу ҳолдан ҳайратга тушмоқлик нечун?
Кучи йўқлигидан ухлайди бири,
Бирови ухлайди куч йиғмоқ учун.

**Абдулла ОРИПОВ, 2007 йил, 7 май.**

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

❖ **ЎзХДП: Депутатлик гуруҳи фаолиятидан**

# ЭЗГУ МАҚСАД ВА ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга ёрдам кўрсатиш, банд бўлмаганларни иш билан таъминлаш, ёлғиз кексалар, ногиронларни қўллаб-қувватлаш каби ЎзХДП дастурий мақсадларини амалга оширишда партиядан сайланган депутатларнинг алоҳида ўрни бор. Халқ депутатлари Булунғур туман Кенгашида фаолият олиб бораётган Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳи ҳам айни шу эзгу мақсадлар йўлида ҳаракат қилмоқда.

Бугунги кунда халқ депутатлари Булунғур туман Кенгашининг доимий комиссияларидан 3 тасига ЎзХДПдан сайланган депутатлар раҳбарлик қилишади. Депутатларимиз ушбу комиссиялар билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатган. Депутатлик гуруҳининг иши қатъий режа асосида белгиланиб, гуруҳ аъзолари туманнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этиб келмоқда.

— Гуруҳ томонидан ҳар икки ойда бир марта «Депутатлар куни» ўтказилиб, унда депутатлар фаолияти ва мавжуд ижтимоий-иқтисодий масалалар, сайловчилар, фуқаролардан тушаётган ариза ва мурожаатларда кўрсатилган муаммоли ҳолатларнинг ўрганилиши юзасидан ахборотлар тингланиб, тегишли қарорлар қабул қилинади, — дейди ЎзХДП Булунғур туман кенгаши раиси, депутатлик гуруҳи раҳбари Турсун Йўлдошев. — Масалан, ўтган йилги йиғилишларимиздан бирида, туманда ечимини кутаётган айрим муаммолар атрофлича таҳлил этилди. Йиғилиш қарорига кўра, 25 мингдан зиёд аҳолиси бўлган Булунғур шаҳарида шаҳарча фуқаролар йиғинини ташкил этиш юзасидан Халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига таклиф тайёрланди. Шунингдек, шаҳар буюм бозорининг ҳудуди ёзда чанг, қишда лойлигини ҳисобга олиб, уни ободонлаштириш мақсадида бир йил муддатга маҳаллий солиқ ва бюджет тушумларидан озод этиш масаласини сессия кун тартибига киритиш таклиф қилинди. Сайловчилардан бевосита депутатларга ва туман партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига тушаётган мурожаатлар орасида электр энергияси таъминотидаги узилишлар ҳақида шикоятлар ҳам бор эди. Депутатлик гуруҳи ушбу муаммони ҳам ўз йиғилишларида муҳокама этди ва туман Кенгашининг навбатдаги сессиясида масалани кўтариб чиқишга қарор қилди.

Дарҳақиқат, депутатлик гуруҳининг ўтган йилги фаолиятига назар ташласак, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури ҳамда ЎзХДП дастурий мақсадларини бажаришда ХДП вакиллари бирмунча хайрли амалларга қўл урганини кўрамиз. Чунончи, депутат И.Икромов раҳбарлик қилаётган ташкилот марказий шифохонанинг аёллар бўлими қурилишига ҳомийлик ёрдами кўрсатди. «Ботир ота» фермер хўжалиги раҳбари, депутат К.Хушвақтов «Хўжамазгил» қишлоқ врачлик пунктига қаттиқ инвентарлар олиб берган бўлса, Х.Норбеков бош бўлган туман йўл қурилиш ва таъмирлаш корхонаси мактаб ва соғлиқни сақлаш муассасаларига 2 миллион сўмлик ҳомийлик кўмагини берган.

Шунингдек, депутатлардан К.Хушвақтов ва Х.Норбековлар «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида кам таъминланган оилалар вакиллари У.Маматқулов ҳамда К.Қобуловларга бир бошдан қорамол олиб берилишида ёрдам кўрсатдилар.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Аммо «Ижтимоий ҳимоя йили»да депутатларимиз партия дастурий мақсадларини амалга ошириш, сайловчилар ишончини қозониш учун кўплаб шундай хайрли ишларни бажаришлари керак. Зеро, бундай ишлар замирида эзгу мақсад ва электоратимиз манфаати ётади.

**Ойбек ҚЎШБОҚОВ, Мамашариф НЕЪМАТОВ**



# МАДАНИЯТЛАР ЧОРРАҲАСИДАГИ ШАҲАР

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

— Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи тантаналари мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги билан ҳамоҳанг равишда нишонланиши кўзда тутилган. Шу боис ҳозир мазкур йирик тадбирга тайёргарлик доирасида турли хил маданий-маърифий анжуманлар ҳам ўтказилмоқда. Хусусан, яқинда республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан халқ театрларининг II анъанавий республика кўрик-фестивали бўлиб ўтди. Фестивалда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан 200 га яқин халқ театри ҳамда қўғирчоқ театрлари жамоалари иштирок этишди. «Навқирон Самарқандга таъзим» деб номланган фольклор-этнографик жамоаларнинг республика фестивалида халқимизнинг ушбу бой маданий меросини чуқур ўрганиш ҳамда янада ривожлантириш борасида фикр алмашилди.

Шунингдек, Самарқанд шаҳридаги маҳаллалар ўртасида ўтказилган «Самарқандим — кўҳна шаҳрим» мавзуидаги миллий анъаналар, урф-одатларни акс эттирувчи танлов, Каттақўрғон шаҳридаги «Ҳайдар Чаман» маҳалласида ўтказилган «Азим шаҳрим Самарқанд — 2750 ёшда» мавзуидаги маданий-маърифий кеча ва Мажидий номидаги драма театрида саҳналаштирилган «Самарқанд Спитамен ва Роксаналар она юрти» деб номланган томошалар ўз мазмун-моҳияти билан иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Айтиш мумкин, юбилей тантаналарига қадар бундай тадбирлар давомийлиги таъминланади. Айни пайтда тузилган режа асосида ишлар олиб борилмоқда. Жойларда ўтказилаётган маданий-маърифий учрашувлар, суҳбат ва кечалар иштирокчилар томонидан қизғин кутиб олинмоқда.

**— Юбилей арафасида қандай кўргазмалар ташкил этилади, шулар ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Аслида кўргазмалар ҳар қандай тадбирга ўзгача мазмун-моҳият бағишлайди, унинг нуфузини оширади. Юбилей муносабати билан Самарқанддаги Ўзбекистон маданияти тарихи музейида «Самарқанд: кеча ва бугун» қиёсий фото кўргазмаси очилган эди. Йил якунига қадар давом этадиган мазкур кўргазмага кўҳна шаҳарнинг ўтмиши ва бугуни ҳақида ҳикоя қилувчи 80 дан ортиқ суратлар қўйилган. Бундан ташқари, «Чорсу» кўргазмалар галереяси ҳамда Ўзбекистон маданияти тарихи музейида самарқандлик рассомларнинг «Самарқанд — Шарқ гавҳари» мавзуидаги доимий фаолият кўрсатувчи рангтасвир асарлари кўргазмаси ташкил этилган.

Қолаверса, Афросиёб музейидаги «Самарқанд буюк ипак йўлидаги табаррук шаҳар» номли экспозиция, вилоятдаги мавжуд маданият ва истироҳат боғларида «Соҳибқирон яратган боғлар» мавзуида ўтказилаётган кўргазмали халқ сайиллари ҳам шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларида аждодларимиз меросига бўлган ҳурмат туйғуларини оширишга хизмат қилмоқда.

**— Энди суҳбатимизни байрам тантаналарини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларга қаратсак. Айтинг-чи, мазкур анжуманнинг асосий тантаналарига ҳозирги кунда бадиий жамоалар томонидан қандай тайёргарлик кўрилмоқда?**

— Айни пайтда республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан биргаликда асосий байрам тадбирининг режалари ишлаб чиқилмоқда. Тантаналар қадимий Самарқанднинг юраги бўлмиш Регистон ансамблида ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, у ерда ҳозир ободонлаштириш ва безаш ишлари қизғин тус олган.

**— Бу йил «Шарқ тароналари» VI халқаро мусиқа фестивали ўтказилиши ҳам режалаштирилган...**

— Дарҳақиқат, мамлакатимиз ҳукумати ва ЮНЕСКО ташаббуси билан ҳар икки йилда ўтказилиб келинаётган ушбу қўшиқлар байрами бу йил яна Самарқандга дунё нигоҳини қаратади. Юбилей тантаналари билан уланиб кетадиган «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали ҳам ўз таровати ва қувончи билан шаҳримизга янада катта шукуҳ бағишлайди, десам муболаға бўлмас.

Шу кунларда шаҳардаги «Мўъжиза» амфитеатри, «Ёшлик» ва «Сўғдиёна» маданият ва истироҳат боғлари мусиқа фестивали учун шай ҳолатга келтирилмоқда. Ижрочилар томонидан фестивалга ҳозирлик кўриш ишлари бошлаб юборилган. Бир сўз билан айтганда, бугунги Самарқанд қўшалоқ байрамлар руҳи билан яшамоқда.

**Шуҳрат ҚАРШИЕВ суҳбатлашди.**
**Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган суратлар**

## ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

**Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши томонидан** Урганч шаҳридаги ҳарбий қисмда Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган тадбирда шу азиз юрт учун жон фидо қилган юртдошларимиз хотирланди. Кексалик гаштини сураётган уруш ва меҳнат фахрийлари партия кенгаши ва ҳарбий қисм томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шунингдек, Урганч шаҳридаги 2-мактабда «Инсон қадри буюк, хотираси муқаддас» мавзуида адабий кеча ўтказилди. Унда узоқ йиллар ушбу илм масканида ёш авлодга таълим бериб, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган устоз мураббийлар, уруш ва меҳнат фахрийлари иштирок этдилар. Уларга ЎзХДП вилоят кенгашининг байрам совғалари топширилди.

**Хонқа туман партия кенгаши** «Хотира — муқаддас, қадр — эзгулик» мавзуида тадбирлар ташкил этди. Хонқа туман Навхос қишлоғидаги 16 ва 34-мактабларда ўтказилган тадбирларда иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотираси ёд этилди. Қишлоқда истиқомат қилаётган уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийларига туман партия кенгашининг эсдалик совғалари топширилди ҳамда мактаб кутубхонасига китоблар туҳфа этилди.

**Янгиариқ туман кенгаши,** «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари ҳамда туман ҳокимлиги томонидан Хотира ва Қадрлаш куни арафасида уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашув ташкил этилди. Бир гуруҳ фаоллар тадбирда иштирок эта олмаган кексалар хонадонига ташриф буюриб, туман партия кенгаши ва ҳомийларнинг эсдалик совғаларини топширишди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**




Уни тез-тез ёшлар орасида учратиш мумкин. Доимо бир таклиф, ташаббус билан юради. 2004 йилда бўлиб ўтган сайловларда номзодини қўйганида, баъзилар унинг сайланишига ишонишмаган эди. Лекин у кўпчилик сайловчиларнинг ишончини қозонди. Абдурашид Расулов халқ депутатлари Бўка туман Кенгаши депутати бўлди...

Ғайрат-шижоатли, талабчан, ташаббускор ва изланувчан бу йигитни ўтган йилнинг охирида партиядошлар Ўзбекистон ХДП Бўка туман кенгаши раиси этиб сайладилар.

— Бор тажрибалардан, ёшларнинг кучидан тўғри фойдаланган, зиммасидаги вазифага масъулият билан қараган одам ҳамма ишга улгуради, — дейди А.Расулов. — Қўрқоқнинг кўзи билан қараганда ишни битириш қийин. Партиявий ишнинг ўзи бир дунё. Бу ёқда сайловчилар билан учрашувлар, уларни қабул қилиш, муаммоларини ечишга ёрдамлашиш... Лекин, ҳаммасига улгуриш мумкин. Меҳнатдан қочмасангиз, жамоатчилик, ёшларнинг фаоллигидан тўғри фойдалана олсангиз, бу юмушларни бажариш катта қийинчиликлар туғдирмайди...

**(Ўз мухбиримиз)**

**Суратда:** *А.Расулов (ўнгдан иккинчи) ЎзХДПнинг ёш фаоллари билан.*

❖ **Луқма**

# НОМИ БОРУ ЎЗИ ЙЎҚ

**ёки номи ЎзХДП Сардоба туман кенгашидаги ҳужжатларда қайд этилган, лекин амалда фаолият кўрсатмаётган бошланғич партия ташкилоти ҳақида**

Сардоба — Сирдарё вилоятидаги чекка туман. Маълумотларга қараганда, тумандаги мавжуд 22 та бошланғич партия ташкилоти атрофига бугун 946 нафар ХДП аъзоси бирлашган. Турли корхона, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасалари, маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган партия бошланғич ташкилотлари ЎзХДП дастурий ғояларини тарғиб этиш ҳамда электорат манфаатлари йўлида саъй-ҳаракатлар қилмоқда. Амалий ишлар бор жойда ташкилотларнинг обрўси баланд, мавқеи мустаҳкам бўлиши табиий. Лекин, гуруч курмаксиз бўлмас экан...

ЎзХДП Сардоба туман Кенгашидаги ҳужжатларда Саидмурод Мавлонов раис бўлган туман матлубот жамияти бошланғич партия ташкилоти ҳисобида эса 4 нафар ХДП аъзоси туради, дейилган. Сўраб-суриштириб, айтилган корхона офисини ҳам, унинг раҳбарини ҳам топдик.

— Бизда матлубот жамияти деган жамият ҳам, бошланғич партия ташкилоти ҳам йўқ, — деди ўзини туман матлубот шўъба корхонаси раҳбариман деб таништирган Саидмурод Мавлонов. — Бор-йўғи 8 киши ишлаймиз. Мен ўзим ХДП сафидаман. Лекин яқин йиллар ичида бизда партия аъзоларининг йиғилиши бўлмагани, бошланғич ташкилот ҳам тузилмагани аниқ.

— ЎзХДП туман кенгаши томонидан тақдим қилинган ҳужжатда сизнинг туман матлубот жамияти бошланғич партия ташкилоти раиси, деб ёзиб қўйилганлигини қандай изоҳлайсиз?

— Тавба, — дейди у ҳайрон бўлиб. — Мени бошланғич партия ташкилоти раислигига кимлар ва қачон сайлашган экан?

Шўъба корхонаси ишчилари Музаффар Исмоилов, Ёрбек Мавлоновлар билан ҳам суҳбатлашдик. Улар ўзларининг ҳеч қайси партияга аъзо эмасликларини, корхонада эса бирон-бир сиёсий партиянинг бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатаётганлигидан бехабар эканликларини айтишди.

Савол туғилади: партиянинг қуйи бўғинлари тузилмаларини такомиллаштириш, фаолиятларини кучайтириш тўғрисида қайғурилаётган, бошланғич партия ташкилотларини партиянинг асоси, бош бўғинига айлантириш устида иш кетаётган бир пайтда бундай ҳолни қандай тушуниш мумкин?

Одатда бошланғич ташкилотлар жойларда партия йиғилишлари, оммавий-сиёсий тадбирларни йўлга қўйиш, аъзолик бадалларини йиғиш сингари ички партиявий ишлар билан шуғулланишади. Партиянинг қуйи бўғинлари унинг сиёсий куч сифатида жамиятдаги обрўсини ошириш, ўз электорати билан алоқаларини мустаҳкамлаш, дастурий мақсадлар, асосий вазифаларни, миллий ғоя, миллий мафкурамизни партиянинг ҳар бир аъзоси, тарафдорлари, аҳолининг кенг табақаларига етказиш сингари эзгу мақсадларни кўзлаб тузилади. Бу ўринда эса...

Тўғри, биргина бошланғич партия ташкилоти мисолида тумандаги қолган 21 та бошланғич ташкилоти фаолияти тўғрисида фикр билдириш, бир йўла уларнинг ишига ҳам баҳо беришу, хулоса ясаш ниятидан йироқмиз. Биламиз, улар орасида партиянинг ғоялари, мақсад ҳамда вазифаларини одамлар орасида тарғиб қилиш, электорат манфаатларини ифодалаш ва ҳимоялаш учун астойдил ҳаракат қилаётганлари кўп. Аммо, биттагина бўлсаям номига тузилган, деярли фаолият кўрсатмаётган бошланғич ташкилотнинг мавжудлиги кишини ўйлантиради, ташвишга солади. Ва табиий савол туғилади: Бу кўзбўямачиликдан кимга фойда?

Номи бору, ўзи йўқ ёки деярли фаолият кўрсатмаётган, ишламаётган, бирон-бир ташаббусу таклиф билан чиқмаётган, ташкилотчилик кўрсатмаётган бошланғич ташкилотни кўрган одамларда партияга бўлган қизиқиш ортади, унга ишонувчилар, аъзо бўлишни истовчилар сони кўпаяди, дейишга асос бормикан?

Партиямиз аҳоли кенг қатламлари, ўз электорати билан алоқаларини ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ мустаҳкамлаши зарурлигини ҳаётнинг ўзи, бугунги тезкор давр тақозо қилиб турган ва бу ишда бошланғич партия ташкилотлари асосий, ҳал қилувчи рол ўйнаши зарурати сезилаётган бир пайтда бундай масъулиятсизлик, лоқайдлик, фаолиятсизликка қандай баҳо бериш мумкин?

Бу сингари аччиқ, аммо очиқ саволларга, номи бору, ўзи йўқ бошланғич партия ташкилоти баҳона дилда туғилган айрим мулоҳазаларга ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгашидаги мутасаддилар жўяли жавоб беришади, деган умиддамиз.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

**<u>ТАҲРИРИЯТДАН:</u> Кейинги пайтларда партиямиз бошланғич ташкилотлари фаоллиги анча ошганлиги, ибратли ишларни амалга ошираётганини алоҳида эътироф этиш зарур. Мақоладаги ҳолат кам учрайдиган бўлса-да кишини қаттиқ ташвишга солади. Бошланғич ташкилотлар электорат билан ишлашнинг асосий бўғини ҳисобланган ва уларнинг фаоллигини ошириш борасида қизғин ишлар олиб борилаётган бир пайтда бундай лоқайдлик, масъулиятсизлик билан мутлақо муроса қилиб бўлмайди, деб ҳисоблаймиз. ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши мазкур масалани ҳар томонлама ўрганиб, тегишли чораларни кўради, деган умиддамиз.**

❖ **Солиқлар — давлат иқтисодиёти таянчи**

# ВАҚТИДА ТЎЛАГАН ЮТАДИ

**Тўламаслик эса ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ва рағбатга нисбатан хиёнат билан баробар**

Кейинги йилларда солиқ сиёсатида катта ўзгаришлар юз бермоқда ва бу борада қонунчилик ҳам янада такомиллашиб бораяпти. Биргина мамлакатимиз Президентининг (2006 йил 18 декабрь) «Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва 2007 йил давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарорида солиқ турлари ставкаларининг сезиларли даражада камайтирилиши бугунги кунда юридик ва жисмоний шахслар фаолиятида муҳим аҳамият касб этмоқда. Масалан, ягона солиқ ставкаларининг 13 фоиздан 10 фоизга пасайтирилгани Бухоро шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Мир кулол» хусусий қурилиш фирмаси жамоасига 60 миллион сўм маблағ ўз ихтиёрида қолишини таъминлашга имкон бермоқда. Очиғини айтганда, солиқ юкининг енгиллаштирилиши туфайли 2007 йилда вилоятда жами 36 миллиард сўм маблағ тўловчилар сармоясига айланиши кутилмоқда.

— Бундай рағбат, — дейди **Коровулбозор туман ДСИ бошлиғи муовини Шавкат Мухторов,** — ишлаб чиқаришни ривожлантириш, қўшимча ишчи ўринлари яратиш, янги технологиялар сотиб олиш, ходимлар иш ҳақини кўпайтириш учун имконият эшикларини очиб беради. Фақат солиқларни ўз вақтида тўлаш муҳим эканлигини унутмаслик керак.

Туманимизда намунали солиқ тўловчилар сафи кун сайин кенгаймоқда. Жумладан, «Нефтгазинженеринг» масъулияти чекланган жамиятда 50 нафар ходим қурилиш-монтаж ишлари билан шуғулланади. Жамият раҳбари Баҳром Қўшшаев, бош ҳисобчи Фурқат Тоировлар солиқларни вақтида тўлашга ҳаракат қиладилар. Бултур жамият бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга 227372,5 минг сўм миқдорида солиқ тўлаб, интизомли солиқ тўловчи мақомига эга бўлди. Аммо шоли курмаксиз бўлмаганидек, ҳали орамизда даромадларини яшириш, айланма маблағлардан ноқонуний фойдаланиш, солиқларни тўлашдан бўйин товлаш каби ҳоллар ҳануз учраб турибди. Олот туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари бу борада қатор ғайриқонуний ҳаракатларни фош этишди.

— Хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари айланмаси бўйича «Матлуботсавдо» МЧЖда ўтказилган таҳлил шуни кўрсатдики, — дейди **туман ДСИ бошлиғи Ахтам Эшонкулов,** — харидоргир товарларга ўтказилган пул маблағларига нисбатан банк хазинасига 56800 минг сўм накд пул кам топширилган. Бундай ҳолат туман марказий шифохонаси, «Имом Шариф Файз», «Шодмон плюс», «Юсуф Ҳақиқ» сингари хусусий фирма ҳамда корхоналарда ҳам кўзга ташланди. Ҳозир мазкур фирма ва корхоналар раҳбарларининг бундай ноқонуний ҳаракатлари учун жиноий ишлар қўзғатилди.

Сармоя топишнинг ҳалол йўллари кўп. Лекин солиқ идораларига панд бериш илинжида қинғир ишларга қўл уриб, охир-оқибат эл ичида юзи шувут бўлганлар вилоятнинг Ғиждувон туманида кўпроқ учрамоқда. Туман ДСИ шўъба бошлиғи Ҳамза Баҳроновнинг таъкидлашича, уларнинг аксарияти қўлбола (истеъмолга яроқсиз) спиртли ичимликларни хуфиёна усулда тайёрловчи кимсалардир. Ғиждувон шаҳрида яшовчи ота-ўғил Исмоил ва Истам Қурбонов ўз яқинлари Лазиз Пўлатов ва Нодира Жўраевалар билан жиноий тил бириктириб, Қозоғистонда ишлаб чиқарилган спирт маҳсулотидан яширин цехларда инсон саломатлигига путур етказувчи қўлбола арақ тайёрлашган ҳамда арзон нархларда сотиб келишган. Ўтказилган рейд натижасида ушбу жиноий гуруҳ қўлга олинди. Улар томонидан сотишга мўлжалланган 13 миллион 987 минг 940 сўмлик спиртли ичимликлардан ноқонуний муомалага киритилган 6 миллион 567 минг 940 сўмлик қўлбола арақ далилий ашё сифатида олиб қўйилди ҳамда уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Ҳукуматимиз тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб бераётган бир пайтда давлатга бундай фириб бериш ҳолатлари ачинарли албатта. Ахир, бу давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ва рағбатга нисбатан бориб турган хиёнат эмасми?

**Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

❖ Саломатлик масканлари



Бугунги кунда республикада гемофилия хасталиги билан оғриган 1398 нафардан зиёд бемор рўйхатга олинган. Болаликдан ногирон ҳисобланган бу беморлар учун Марказий Осиёда ягона бўлган мазкур марказнинг фаолият бошлаши қувончли ҳол бўлди. Боиси эндиликда улар ҳар томонлама қулай ва замонавий шифо масканида даволаниш имкониятига эга бўлдилар.

Гемофилия — асосан эркакларда учрайдиган қон ивиши тизимининг бузилиши хасталигидир. Ушбу касаллик наслдан-наслга ўтувчи хасталик бўлиб, аёллар касаллик ташувчиси ҳисобланади. Камдан-кам ҳоллардагина бу касалликнинг фавқулодда келиб чиқиши кузатилади.

Республикамизда илк маротаба гемофилия жамияти 2000 йилда ташкил топган. 2001 йилда Канадада фаолият юритаётган Бутунжаҳон Гемофилия федерациясига аъзо бўлган.

Марказда даволанувчилар амбулатория, стационар ва физиотерапия, жарроҳлик хоналаридан фойдаланиш имкониятига эга. Ушбу марказда тезкор ташҳис қўйиш ва муолажа ишлари замонавий биохимия лабораторияси ускуналари, ультратовуш текширув аппарати ва бошқа шу сингари тиббий асбоб-ускуналар орқали олиб борилади.

— Қайта таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилган ушбу марказ авваги гемостаз паталогия бўлимидан тубдан фарқ қилади, — дейди «Гемофилия ва қон тизими депрессияси маркази» раҳбари Азиза Маҳмудова. — Боиси эндиликда беморларнинг тўлақонли муолажа олишлари учун барча зарурий шарт-шароитлар яратилган. Даволаш ишлари жаҳон стандартлари даражасида жиҳозланган хоналарда, энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида олиб борилади.

Айни дамда 60 ўринга мўлжалланган марказда 6 нафар малакали шифокор, 4 нафар илмий ходим ҳамда ўз ишининг усталари бўлган 36 нафар ўрта ва 38 нафар кичик тиббиёт ҳамширалари фаолият юритмоқдалар. Улар Англия, Словакия, Япония, Австрия сингари хорижий давлатларнинг етакчи Гемофилия марказларида малака ошириб қайтдилар.

# ҚУЛАЙ ВА ЗАМОНАВИЙ

**«Меҳр нури» жамғармаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, ижтимоий аҳамиятга молик муассасаларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига катта ҳисса қўшиб келмоқда.**

Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтининг гемофилия бўлими тўлиқ таъмирдан чиқарилишида ҳам жамғарма ҳиссаси катта бўлди. Бу бўлим «Гемофилия ва қон тизими депрессияси маркази»га айлантирилди. Яқинда унинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимда «Меҳр нури» жамғармаси жамоатчилик кенгаши раиси Гулнора Каримова иштирок этиб, марказда фаолият юритувчи барча тиббиёт ходимларига сермашаққат ишларида омадлар тилаб, бундан кейин ҳам жамғарма ўзининг беғараз ёрдамини аямаслигини билдирди.



**Суратларда:** Ультратовуш текшириш аппарати ва шифокор Азиза Азларова; Биохимия лабораторияси мудири Дилором Маҳмудова.

**Козимжон ЎЛМАСОВ олган суратлар.**

**Наргиза ПИРНАЗАРОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# ФАРЗАНД — ОИЛА ЧИРОҒИ

Бу дунёда одамзот ўз зурриёди бўлмоғини ва ҳаёти уларда давом этмоғини истайди. Айниқса, ўзбекларда бу туйғу ниҳоятда кучли. Шу боис ҳам бефарзандликни оғир дард, мусибат деб билади.

Республикамизда бепуштликни даволовчи, одамларга фарзандли бўлишдек улуғ бахтни улашувчи турли шифо муассасалари ташкил этилган. Ана шундай масканлардан бири Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясига қарашли «Умид гулшани» санаторийси бўлиб, у 2000 йилда Тошкент вилояти, Қибрай туманида ташкил этилган. Сиҳатгоҳ ўз номи билан бефарзанд кишиларга нажот бағишлайди, улар қалбида умид чечакларини ундиради.

Шифо масканида гинекология, андрология, урология бўлимлари мавжуд бўлиб, уларда эркак ва аёллар бепуштлиги диагностикаси ҳозирги замон талабларига мос равишда ўтказилади. Жинсий аъзоларнинг шамоллаши, инфекциялари, заифлик, аёлларда ва эркакларда учрайдиган турли касалликлар, климактерик жараён, патологик ўзгаришлар замонавий тиббий муолажалар орқали даволанади. 2006 йилдан бошлаб эса сиҳатгоҳда асаб ва таянч аъзолари касалликларини ҳам муваффақиятли даволаш йўлга қўйилди.

Сиҳатгоҳимиздаги даволаш усули кўпчиликка манзур бўлаётгани ва ижобий натижа бераётганлиги боис бизда даволанувчилар сони йилдан-йилга ортмоқда. Масалан, ҳар йили республикамизнинг барча вилоятлари, шаҳарларидан келган 2500-3000 га яқин бемор шифо топиб, соғлиғини тикламоқда. Шунингдек, қўшни Тожикистон, Қозоғистон республикалари, ҳатто Россиядан келиб даволаниб кетаётганлар ҳам бор.

Ўтган «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» режалари муассасамизда ҳам ўз ижобий аксини топди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан фойдаланишга топширилган «Сув билан даволаш» мажмуаси биз учун катта совға бўлди. Мажмуа таркибида сауна, чўмилиш ҳавзаси, сув остида уқалаш, даволи уқалаш, балчиқ билан даволаш хоналари, замонавий тренажёрлар ўрнатилган даволаш-жисмоний тарбия зали, фитобар ҳамда ванналар нафақат одамларга манзур бўлмоқда, балки даволаш жараёнини ҳам енгиллаштирмоқда. Бундан ташқари, санаторийимизда даволанувчилар учун барча зарур шароитлар яратилган бўлиб, ётоқ бўлими жамики қулайликларга эга бўлган бир ва икки ўринли хоналардан иборат. Шунингдек, шинам кутубхона, клуб, теннис хоналари, рақс майдончаси даволанувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришига хизмат қилади.

Санаторийнинг даволаш бўлимлари жаҳон андазалари даражасида қурилиб, замонавий ноёб тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Масалан, «Андрогин», «ИФА», «ДЛТБ», «УТТ» каби бир неча муолажа ва ташҳис қўйиш жараёнларини бажара оладиган комплекс компьютер ускуналари ўта ноёб бўлиб, касалликларни тезда аниқлаш ва самарали даволашда муҳим ўрин тутмоқда. Сиҳатгоҳимиз маъмурияти келгусида даволанувчилар учун янада қулай шароитлар яратиш ва даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида даволаш-ташҳислаш бўлимини янги асбоб-ускуналар билан таъминлаш, лаборатория хизматини кенгайтириш, шифо усуллари ва турларини янада кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.



Сиҳатгоҳимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида махсус режа ишлаб чиқилиб, зарур маблағ ажратилди. Унга кўра, атрофимиздаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи якка-ёлғиз кексалар, кам таъминланган ва кўп болали оилалар, етим-есир ҳамда ногиронлар бепул тиббий кўрикдан ўтказилиб, амбулатория шароитида даволанади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сиҳатгоҳимизда шифо топиб, фарзанд кўришдек шарафга муяссар бўлаётган ота-оналарнинг муассасамиз номига йўллаётган миннатдорчилик мактублари, айниқса, бизни хурсанд этиб, янада самарали ишлашга руҳлантирмоқда. Бу эса шифо масканимизнинг алоҳида ютуғидир. Маълумки, халқимизда оилада фарзанд туғилса яхши ният билан унга атаб кўчат экиш одати бор. Шу йил Наврўз арафасида бизда бу эзгу одатни анъанага айлантириш ташаббуси туғилди. Санаторий ҳудудида «Умид гулшани ниҳоллари» деб номланган боғга асос солдик. Илк ниҳоллар эса фарзанд кўриш истагида бўлган ота-оналарга топширилди. Зеро, фарзанд илинжида қийналаётган оилаларнинг армонлари ушалсин, ниятимиз ҳам, тилагимиз ҳам шу!

**Дилбар УСМОНОВА,**
**«Умид гулшани» санаторийси бош шифокори**

# XORIJDA

## ОММАВИЙ ТАРТИБСИЗЛИКЛАР ОҚИБАТИДА
### 37 КИШИ ҲАЁТДАН КЎЗ ЮМДИ

*Шанба ва якшанба кунлари Покистоннинг Карачи шаҳрида оммавий тартибсизликлар юз берди. Натижада шанба куни 36 киши, якшанбада эса 1 киши ҳаётдан кўз юмди. 150 дан ортиқ киши эса турли даражада тан жароҳати олиб, шифохоналарга ётқизилди.*

*Гап шундаки, шанба куни мухолифатдаги партиялар ва гуруҳлар ўз тарафдорларини президент Парвез Мушаррафнинг мамлакат олий суди судьяси Ифтихор Чаудхрини итсеъфога чиқариш тўғрисидаги қарорига қарши норозилик намойиши ўтказишга олиб чиққан эди. Шу куни ҳукумат тарафидаги «Муттахида Коми Мувмент» партияси тарафдорлари ҳам кўчаларга чиқиб, мухолифатнинг йўлини тўсиш учун баррикада қурдилар. Натижада икки тўда ўртасида тўқнашувлар юз берди. Тартибсизликларни бартараф этишга эса тартибни сақлаш кучлари жалб этилди.*

*Полиция вакилларининг айтишича, ҳозир шаҳарда вазият кескинлигича турибди, лекин тўқнашувлар юз беришига сабаб бўлувчи омиллар бартараф этилган.*

*ИТАР-ТАСС хабарига кўра, кўчаларда дўконлар ёпиқ, жамоат транспорти ишламаяпти. Айрим кўчалар норозилик намойишчилари томонидан тўсиб қўйилган.*

*Шаҳарга қўшимча армия ва хавфсизлик кучлари киритилди, уларнинг сони 20 мингдан ортиқ. Полиция тартибсизликлар сабабчиларини қўлга олиш саъй-ҳаракатларини ўтказмоқда. Бир неча ўнлаб киши қўлга олинган.*

*Панжоб музофоти ва пойтахт округлари полицияси жанговар шай ҳолга келтирилган.*

*Президент Парвез Мушарраф ва бош вазир Шавкат Азиз Карачидаги тартибсизликлар тўлқинини қатъий муҳокама этдилар. Синд музофоти маъмурияти ушбу оммавий тартибсизликлар оқибатида ҳаётдан кўз юмганларнинг оилаларига 300 минг рупийдан (5 минг доллар атрофида), жароҳатланганлар оилаларига эса 50 минг рупийдан (800 доллар атрофида) товон пули тўлашини маълум қилди.*

*Эслатиб ўтамиз: мухолифатдаги «Муттахида Мажлис-и-Амал» ва «Демократия тикланиши учун альянси» партиялари уч ойдан бери Чаудхрининг истеъфога чиқарилишига қарши норозилик билдириб келмоқда. Шанба ва якшанбадаги норозиликлар эса қонли тўқнашувларга айланиб кетди.*

*Парвез Мушарраф Чаудхрини шу йил 9 март куни мансаб ваколатини суиистеъмол қилганликда айблаб, истеъфога чиқарган. Бироқ мухолифат буни сиёсийлаштириб, сайлов олдидан (шу йил охирида умумхалқ сайловлари ўтказилади) лавозимларга ўз одамларини жойлаштириш учун шундай қилди, дея норозиликлар билдирмоқда.*



## КЎПМИНГ КИШИЛИК МИТИНГЛАР
### ТАҚИҚЛОВИ БЕКОР ҚИЛИНДИ

*Эстония полициясининг шимолий бошқармаси шу йил 30 апрель куни Таллин шаҳри ва унга яқин Харьюмаа уездида жорий этилган оммавий митинглар тақиқловини бекор қилди.*

*Маълумки, 26-28 апрель кунлари бу ерда оммавий тартибсизликлар юз берган эди. Натижада бир киши ҳаётдан кўз юмган, бир неча киши эса турли даражада тан жароҳати олганди.*

*Ҳукуматнинг иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган собиқ совет аскарларининг Биродарлик қабристонидаги ҳокини ва совет аскарлари шарафига ўрнатилган шаҳар марказидаги ёдгорликни Ҳарбийлар қабристонига кўчириш ҳақидаги қарори оммавий тартибсизликлар келиб чиқишига сабаб бўлганди.*

*Гап шундаки, Таллин ва шаҳарнинг шимоли-шарқида яшовчи русийзабон миллат вакилларига бу қарор ёқмаган ва улар норозилик намойишлари уюштиришганди. Бу норозиликка қарши эстон ёшлари ҳам норозилик митинглари уюштирган, натижада икки тўда ўртасида тўқнашув юз берганди. Шундан сўнг маъмурият 1 май ва 9 май кунлари яна оммавий тартибсизликлар юз бермаслиги учун 11 майгача оммавий йиғинлар ва митинглар ўтказилишини тақиқлаб қўйди.*

*«Интерфакс» ахборот агентлиги хабар беришича, икки байрам ҳам Эстонияда осойишта ўтди. Шунинг учун маъмурият тақиқловни бекор қилди.*



## ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ
### БЎЛИБ ЎТДИ

*Арманистонда навбатдаги парламент сайловлари бўлиб ўтди. Аввалги сайловлардан фарқли ўлароқ бу гал фақат республикада яшовчи сайловчиларгина жараёнда иштирок этди.*

*Республиканинг бир палатали парламентида 131 та депутатлик ўрни мавжуд бўлиб. 41 та ўринга бир мандатли округлар бўйича, 90 таси эса партиявий рўйхат бўйича сайланади.*

*ИТАР-ТАСС хабарига кўра, 22 та сиёсий партия ва битта блок сайловларда иштирок этди. Партиялар муваффақиятга эришиш учун 5 фоизлик, блок эса 7 фоизлик «тўсиқ»дан ўтиши, яъни 5 ва 7 фоиздан кўп овоз олиши лозим.*

*Шундай қилиб, «Новости» ахборот агентлигининг маълум қилишича, мамлакат бош вазири Серж Саркисян етакчилигидаги Республика партияси 33,8 фоиз овоз олиб, тўлиқ ғалабага эришди. «Гуллаётган Арманистон» партияси – 15,1, «Дашнакцутюн» – 13,1, шунингдек, мухолифатдаги «Оринақ Еркир» ва «Мерос» партиялари 7 ва 6 фоиздан овоз олдилар. Қолган партиялар эса белгиланган «тўсиқ»дан ўтолмадилар.*



*Парламентда ўринга эга бўлиш учун 1364 нафар номзод, (шундан 1245 нафари партиявий рўйхат бўйича, 119 нафари эса можаритар тартибда) кураш олиб борди.*

*Арманистон Марказий сайлов комиссияси берган маълумотларга қараганда, 750 дан ортиқ хорижий экспертлар сайлов жараёнларини кузатиб борди. Бундан ташқари, мамлакатдаги 53 та жамоат ташкилотининг 14 мингга яқин кузатувчиси ҳам бу жараёнда бевосита иштирок этди.*

*Республика полицияси бошлиғи Гайка Арутюняннинг айтишича, сайлов куни жамоат тартибини сақлаш учун 8 мингга яқин полиция жалб этилди. Бундан ташқари, захирадаги бўлинма ҳам жанговар шай ҳолга келтирилди, бироқ уларнинг хизматига эҳтиёж туғилмади.*

## КОСОВО БЎЙИЧА РЕЗОЛЮЦИЯ
### БМТГА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

*Косово ўлкасига мустақиллик берилишини назарда тутувчи резолюция лойиҳаси БМТ Хавфсизлик Кенгашига тақдим этилди. У Косовога мустақиллик бериш бўйича Марти Ахтисаари режаси асосида ишлаб чиқилган.*

*Аслида Ахтисаари режаси шу йил январда БМТ Хавфсизлик Кенгашига тақдим этилган эди. Аммо у тасдиқланмади. Ҳужжат қабул қилинган дея ҳисобланиши учун Хавфсизлик Кенгашининг 15 аъзосидан камида 9 таси уни маъқуллаб овоз бериши лозим.*

*БМТ Хартиясининг 7-моддасига асосан ишлаб чиқилган ушбу резолюция лойиҳаси энди БМТ Хавфсизлик Кенгашига 15 аъзо давлат томонидан кўриб чиқилади.*

*Эслатиб ўтамиз: «France Presse» ахборот агентлиги хабар беришича, Косовога мустақиллик берилишини талаб қилаётган косоволик албанлар вакиллари билан Косовонинг Сербия таркибида қолишини истаётган ва шунинг учун курашаётган Сербия маъмурияти вакиллари ўртасида узоқ вақтдан бери давом этаётган музокаралар боши берк кўчага кириб қолгач, Марти Ахтисаари ўз режасини ишлаб чиққан ва тақдим этган.*

## ЎНҚИР-ЧЎНҚИР ЙЎЛЛАР
### НОРОЗИЛИККА САБАБЧИ БЎЛДИ

*Владивостокда 200 дан ортиқ ҳайдовчи йўллар ҳолати ўта ёмонлиги боис, унинг таъмирланишини талаб қилиб, намойиш ўтказди. «Приморьенинг антикоррупция коалицияси» жамоатчилик ташкилотининг етакчиси, норозилик акцияси ташкилотчиларидан бири Виталий Береговскийнинг «Новости» мухбирига берган интервьюсида айтишича, ҳайдовчилар ўз автомобилларида чироқларини ёқиб, шаҳарнинг марказий кўчаларидан ўтишган. Улар машиналарига «Биз солиқларни тўлаяпмиз – яхши йўл қани?», «Шаҳарга яхши йўл керак!» каби шиорларни ёзиб олишганди.*

*Намойиш иштирокчилари шаҳар маъмурияти ва Владивосток думаси депутатларига талабнома билан мурожаат этиш учун имзо йиғдилар.*


# ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУЙИДАГИ БЎШ (ВАКАНТ) ЎРИНЛАРГА —
ДОЦЕНТ, КАТТА ЎҚИТУВЧИ, ЎҚИТУВЧИ (АССИСТЕНТ)
ЛАВОЗИМЛАРИГА БИТИМ АСОСИДА
**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**Социология кафедраси (1),**
**Маънавият асослари кафедраси (1) доценти лавозимларига.**
**Ўзбекистон тарихи (1),**
**Социология (1),**
**Инглиз тили ва адабиёти (1),**
**Ўзбек тили ва адабиёти услубиёти (1),**
**Информатика ва математик моделлаштириш (1),**
**Педагогика (1),**
**Агрокимё ва агротупроқшунослик (1),**
**Тиббиёт (1) кафедралари катта ўқитувчиси лавозимларига.**
**Ўзбек адабиёти (1),**
**Ўзбек тилшунослиги (1),**
**Инглиз тили ва адабиёти (1),**
**Француз тили ва адабиёти (1),**
**Мусиқа (1),**
**Астрономия ва оптика (1),**
**Информатика ва математик моделлаштириш (1),**
**География (1),**
**Молия, бухгалтерия ҳисоби ва АУДИТ (1),**
**Немис тили ва адабиёти (1),**
**Иқтисодиёт назарияси (1),**
**Умумтехника фанлари ва меҳнат (1) кафедралари ўқитувчиси (ассистент) лавозимларига.**

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Ректор номига ариза;
2. Шахсий варақа;
3. Олий маълумоти, илмий даражаси ва илмий унвонлари ҳақида дипломларнинг нусхалари;
4. Илмий ишлари рўйхати;
5. Малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

**Манзил: 730003. Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй.**
**Телефон: (8.375) 225-34-13, 225-62-92, факс: 225-57-01.**

❖ Спорт



# КУРАШНИНГ ЯНА БИР ЮТУҒИ

***Шу йилнинг октябрь-ноябрь ойларида Макаода ёпиқ иншоотларда 2-Осиё ўйинлари бўлиб ўтади. Ушбу нуфузли ўйинлар доирасига кураш киритиладиган бўлди. Бугун Осиёдаги айрим спорт нашрларида, интернет сайтларида бу ҳақда хабарлар берилаётир, курашнинг ривожи тўғрисида фикрлар билдирилмоқда.***

Бундан бир ой муқаддам Кураш Халқаро Ассоциацияси Президенти бошчилигидаги делегация Осиё Олимпия кенгашининг мувофиқлаштирувчи кенгаши мажлисида қатнашган эди. Унда курашни Осиёда янада ривожлантириш, кураш Олимпия ўйинлари дастуридан муносиб ўрин эгаллаши лозимлиги тўғрисида мулоҳазалар билдирилганди.

Бугун эса Макаодан Тошкентга хушхабар келди. Ёпиқ иншоотларда ўтадиган 2-Осиё ўйинлари пайтида кураш ва кикбокснинг спорт турлари бўйича спортчиларнинг кўргазмали беллашувлари бўлади. Унда айтилишича, 2-Осиё ўйинлари тизимида ўтадиган кураш мусобақалари ўтиш жойи, муддати ташкилий қўмита томонидан тасдиқланиб, кураш бўйича тайёрланган махсус буклет Осиё давлатларининг Миллий Олимпия қўмиталарига тарқатилди.

Шунингдек, ёпиқ иншоотларда бўладиган 2-Осиё ўйинлари интернет сайти яратилиб, ундан спортнинг кураш тури, унинг тарихи, бугунги ривожланиш ҳолати тўғрисидаги маълумотлар жой олган.

Мустақиллик шарофати билан Кураш ўзининг ҳалоллик, адолат тамойилларига асосланган ғоясини дунёга тобора кенг намоён этмоқда.

# МУСОБАҚА МАШЪАЛАСИ

## БУГУН БУХОРОДА ПОРЛАЙДИ

Бугун қадимий ва навқирон шаҳар — Бухоро яна бир халқаро спорт байрамига мезбонлик қилмоқда. Спешл Олимпикс халқаро ташкилоти, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, республика Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Ташқи ишлар вазирликлари, Миллий Олимпия қўмитаси, «Аёллар кенгаши» жамияти, «Меҳр нури», «Соғлом авлод учун» жамғармалари ва Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказиладиган халқаро махсус олимпиадага пухта ҳозирлик кўрилди. Бугун асосий тантаналар ўтадиган «Бухоро» спорт мажмуаси байрамона безатилган. Шаҳарнинг «Семурғ», «Ёшлик», «Нафис», «Хумо», «Ситора» каби замонавий спорт мажмуаларида иштирокчи ҳамда томошабинлар учун барча қулайликлар яратилди.

Хўш, жаҳоннинг ўндан зиёд мамлакатидан ташриф буюрган спортчилар қатнашаётган ушбу мусобақанинг айнан Ўзбекистонда ўтказилишидан мақсад нима? У имконияти чекланган болалар ҳаётида қандай из қолдиради?

— Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, ногиронлар ер шари аҳолисининг қарийб 10 фоизини ташкил қиларкан, — дейди вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Садриддин Шаропов. — Шулардан икки фоизи интеллектуал доираси чекланган одамларга тўғри келади. Бу статистика мамлакатимиз учун ҳам хосдир. Тиббиёт муваффақиятларига қарамасдан, бундай тоифадагиларнинг кўпроғини болалар ва ўсмирлар ташкил этади. Махсус олимпиада эса ақлан заиф болалар учун йил бўйи ўтказиладиган спорт машғулотлари ва атлетика беллашувларининг дунёдаги энг йирик дастуридир. Бундай спорт байрамлари иштирокчиларининг қасамёди эса қуйидагича: «Менга енгишга имкон беринг, агар енга олмасам, ҳеч бўлмаса ушбу уринишда жасур бўлай!»

Махсус олимпиада ўйинларида мамлакатимиз вакиллари ҳам қатнашадилар. Бухородаги 27-, Ромитандаги 26-махсус мактаб-интернатлари ўқувчиларидан иборат вилоят терма жамоаси мусобақаларга алоҳида тайёргарлик кўришди. Бу беллашувларда энг муҳими натижа эмас, балки болаларга ўз имкониятларини намойиш этишга яратилган имконият, жамоатчилик бефарқ эмаслигини уларнинг ўзлари ҳис эта олишларидир. Буни улар бугун «Бухоро» спорт мажмуида махсус олимпиаданинг тантанали очилиш маросимида қалбан ҳис этишларига аминмиз.

**(Ўз мухбиримиз)**

# ОЛИМПИЯЧИЛАРИМИЗ КЕЙИНГИ БОСҚИЧГА ЧИҚАДИМИ?

Beijing 2008

## XXIX ЁЗГИ ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ ОСИЁ МИНТАҚАСИ САРАЛАШ УЧРАШУВЛАРИДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН ТЕРМА ЖАМОАЛАР ЭРТАГА НАВБАТДАГИ ЎЙИНЛАРНИ ЎТКАЗАДИ

***Мусобақанинг «F» гуруҳида қатнашаётган Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси бешинчи турда Бирлашган Араб Амирликлари футболчилари меҳмони бўлади. Ушбу учрашув ҳар икки жамоа учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Агар мазкур ўйинда ҳамюртларимиз ғалаба қозонишса ёки дурангга эришсагина кейинги босқичга чиқиш имкониятини сақлаб қолишади...***

***Якунланган тўртинчи тур баҳсларидан сўнг гуруҳда юз фоизлик натижани қайд этган Жанубий Корея олимпиячилари кейинги босқич йўлланмасини муддатидан илгари ҳал қилишган. Иккинчи йўлланма учун кураш эса айнан Ўзбекистон ва БАА вакиллари ўртасида бормоқда. Дастлаб баҳсларни муваффақиятли бошлаган ҳамюртларимизнинг охирги икки турда мағлубиятга учраганликлари миллионлаб мухлисларни хавотирга солиб қўйди. Хўш, ана шу муҳим учрашувга футболчиларимиз қандай тайёргарлик кўрмоқда?***

***Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси бош мураббийи Вадим АБРАМОВ билан шу ҳақда суҳбатлашдик.***



— Футболда ғалаба ва мағлубият ёнма-ён юради, — дейди бош мураббий. — Тошкентда Жанубий Корея вакилларига қарши ўтган ўйинда футболчиларимиз камида бир очкони қўлга киритишлари мумкин эди. Бироқ омад рақиб жамоа томонида бўлди. Аммо бундан фожиа ясаш керак эмас, деб ўйлайман. Олдинда иккита учрашув кутиб турибди. Ишонаманки, уларда керакли натижаларни қайд этишимиз учун имкониятимиз ҳам, кучимиз ҳам етади.

***— Айни пайтда футболчиларимизнинг тайёргарлиги ва кайфияти қандай?***

— Охирги учрашувни 18 апрелда ўтказгандик. Шундан бери ўтган салкам бир ой мобайнида барча номзодлар миллий чемпионат баҳсларида ўз жамоалари шарафини ҳимоя қилишди. Фақат тўққизинчи тур ўйинлари якунлангандан кейин, аниқроғи, 11 май куни олимпиячиларимиз билан дастлабки чигалёзди машғулотларини ўтказишга муваффақ бўлдик. Айни чоғда йигитларнинг кайфияти ёмон эмас. Олимпия ўйинларида қатнашиш имконияти доимо ҳам бўлавермаслигини дилдан ҳис қилиб, фақат ғалаба ҳақида ўйлашмоқда.

***— Таркибда ўзгаришлар борми?***

— Икки бор огоҳлантириш олганлиги боис, Камолиддин Мурзоев БАА терма жамоасига қарши ўйинда майдонга тушмайди. Бундан ташқари, Словакияда тўп сураётган легионеримиз Азиз Ибрагимов маълум сабабларга кўра, таркибимизга қўшилмади. Шунингдек, кейинги вақтда «Рубин» (Қозон, Россия) жамоасида асосий таркибда майдонга туша олмаётган ҳужумчи Марат Бикмаев хизматидан ҳам воз кечишни лозим топдик. Уларнинг ўрнига Акмал Бозоров («Самарқанд-Д»), Собир Усмонхўжаев («Шўртан»)ларни таркибга жалб қилдик.

***— Мураббий сифатида шогирдларингизнинг кейинги босқичга чиқиш имкониятини қандай баҳолаган бўлардингиз?***

— Олимпия терма жамоаси учун илгари бундай шарт-шароитлар, қулай имконият яратилмаган эди. Бунга жавобан ЎФФ футболчиларимиз олдига улкан вазифа қўйган. Ана шу эътибор ва ишончни оқламасак, уят бўлади. Аввал ҳам айтганман, бундан кейин ҳам айтаман: Пекин олимпиадасида қатнашиш учун бор куч ва имкониятимизни ишга соламиз. Тўғри, мухлисларимизни бироз ранжитиб қўйдик. Аммо мен шогирдларимга ишонаман. Муҳими, уларда эртанги кунга интилиш, мақсадга эришиш учун кучли хоҳиш бор...

*Бош мураббий Вадим Абрамов, мураббийлар Миржалол Қосимов, Рауф Инилеевлар раҳбарлигида Ўзбекистон олимпия терма жамоаси 13 май куни Бирлашган Араб Амирликларига жўнаб кетишди.*

**Эркин ХОЛБОБО суҳбатлашди.**

## ОМАД КЕЛСА АЖАБ ЭМАС

*Англия футбол ассоциацияси ижрочи директори Брайан Бэрвик мамлакат миллий терма жамоаси бош мураббийи Стив Макларенни қўллаб-қувватлашга тайёр эканини баён қилди. Унинг сўзларига қараганда, раҳбарият бош мураббийнинг имкониятларига ишонади.*

*— Мамлакат миллий терма жамоаси қийин ҳолатни бошдан кечирмоқда, — дейди Бэрвик. — Олдинда оғир ва ҳал қилувчи ўйинлар турибди. Шунга қарамай Англия футболчиларининг Европа чемпионати финалига чиқишига ишонамиз.*



*Эслатамиз, Англия футболчилари «Е» гуруҳи саралаш учрашувларида қатнашмоқда. Улар Россия ва Исроил терма жамоалари каби 11 тадан очко тўплашган. Лекин, Россия жамоаси битта кам ўйин ўтказган. Гуруҳда эса 13 та очко тўплаган Хорватия футболчилари пешқадамлик қилмоқда.*

## ШЕВЧЕНКО «МИЛАН»ГА ҚАЙТАРМИКАН?

*«Милан» футбол клубининг бош мураббийи Карло Анчелотти Лондоннинг «Челси» жамоаси ҳужумчиси Андрей Шевченкони яна Италияга қайтариши мумкинлигини яширмаяпти. Бош мураббий, шунингдек, моҳир футболчилардан ҳисобланган «Барселона»нинг Роналдиньо, Это'О ҳамда «Марсел»нинг Франк Рибери каби ўйинчиларини ҳам кўз остига олган.*



*— Самюэль Это'О, Роналдиньо ҳамда Шевченкодан иборат ажойиб учлик «Милан» клуби мавқеини ошириши мумкин, — дейди бош мураббий. — Шунингдек, Франк Рибериниг ўйинлари ҳам менга жуда ёқади.*

❖ Биз билган ва билмаган тарих

# ШАРҚНИНГ ҲУКМДОР АЁЛЛАРИ

Аёл оила бекаси, миллат тарбиячиси, давлат, сиёсат арбоби, бир сўз билан айтганда, жамиятнинг барча бўғинларида фаол хизмат қилувчи зотдир. Тарихдан маълумки, ҳамма замонларда аёлларнинг ҳаёт давомчиси сифатидаги роли қадрланган, уларга юксак эҳтиром кўрсатилган. Жумладан, Шарқ мамлакатларида аёллар қадимдан сиёсий-ижтимоий, маданий ҳаётда катта роль ўйнаганлар.

Геродот ўзининг «Тарих» китобида Каспий денгизининг шарқий қирғоқларида, Амударёнинг қуйи оқимида яшаган массагетлар қабиласи ўз маликаси Тўмарис бошчилигида дунёда биринчи салтанат — Аҳмонийлар империясига асос солган Кир II қўшинларини тор-мор этганлиги ҳақида ёзиб қолдирган. Бу манбалар қадим Шарқда аёллар ҳарбий санъат соҳасида ҳам мукаммаллик даражасига етганлигидан далолат беради.

Бу ҳолатни араблар босқини даврида Мовароуннаҳрнинг муҳим вилоятларидан бири бўлган Бухорони бошқариб турган Туркон Хотун мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўзининг икки ёшли ўғли Тўхшодани тахтга ўтказган бу аёл Сўғдиёнанинг катта қисмини бошқарган, халқаро аҳамиятга эга бўлган Самарқанд — Бухоро — Аму савдо йўлини назорат қилиб турган.

Ислом даврида ҳам Мовароуннаҳрда мавжуд бўлган қудратли мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида аёллар муҳим роль ўйнаганлиги маълум. Хусусан, ўз даврида мусулмон шарқининг энг йирик салтанати ҳисобланган Хоразмшоҳлар давлати ҳукмдори Алоуддин Муҳаммад даврида унинг онаси Туркон Хотун давлат бошқарувида катта ўрин тутган, ҳукумат сиёсатида маълум бир мавқега эга бўлган. У ўзи мансуб бўлган қипчоқ ҳарбий қўшини ва лашкарбошиларга таянган ҳолда мамлакатдаги барча ҳарбий ва фуқаролик ишлари устидан назорат ўрнатган.

Давлатчилигимиз тарихида муҳим ўрин тутган Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида ҳам аёлларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни юксак даражада эди. Бу даврда яшаб ўтган темурий маликалардан Амир Темурнинг севимли рафиқаси Сароймулкхоним (Бибихоним), Мирзо Улуғбекнинг онаси Гавҳаршодбегим, Халил Султоннинг суюкли хотини Шод Мулк Хотун, Султон Ҳусайн Бойқаронинг хотини Хадичабегим, Умар Шайх Мирзонинг тўнғич қизи Хонзодабегим, Заҳириддин Бобур Мирзонинг қизи Гулбаданбегим, бобурий ҳукмдор Шоҳжаҳоннинг севикли хотини Мумтозмаҳал (Аржуманд бону), Аврангзеб Оламгирнинг қизи Зебунисобегим ва бошқалар ўз фаолиятлари билан нафақат аждодларимиз тарихида, шу билан бирга жаҳон маданияти тарихида ҳам муносиб ном қолдирдилар.

Тарихий манбаларга кўра, соҳибқирон бобомизнинг рафиқаси Сароймулкхоним замонасининг юксак идрокли, фаросатли, ақл-заковатли аёли бўлиши билан бирга ҳусн-латофат бобида ҳам беназир бўлган. Сароймулкхоним инсонпарвар, Ватанни севувчи, мамлакатнинг сиёсий-иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётидан яхши хабардор бўлган, салтанат ишларида доно маслаҳатлари билан қатнашиб турган. Айниқса, у илм-маърифатга алоҳида эътибор берар, толиби илмларга, уламоларга ҳомийлик қилар эди. Самарқандда Бибихоним томонидан қурилган масжид ва мадрасалар бугунги кунда ҳам ўзининг салобати-ю улуғворлиги билан ажралиб туради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Шарқ аёллари кўп ҳолларда доно ва адолатли маслаҳатлари, фикр-мулоҳазалари билан салтанат ишларида фаол қатнашган. Бугун ҳам Шарқ аёллари, хусусан, Ўзбекистон хотин-қизлари давлат ва жамоат ишларида фаол иштирок этиб келмоқда. Масалан, парламентда аёлларимизнинг умумий иштироки Сенатда 15 фоиз, Қонунчилик палатасида 17,5 фоизни ташкил этиб, улар адолатли, халқчил қонунларнинг қабул қилинишида фаол қатнашмоқда. Бундан ташқари, ҳукумат идораларида, нодавлат ташкилотларда минглаб аёллар фаолият кўрсатишмоқда.

**Гулчеҳра ШУКУРОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси**

❖ Хотира — муқаддас

# «БИР ОҒИЗ СЎЗ»



Ҳаммамиз бир ҳақиқатнинг гувоҳи бўлганмиз: яхши одам ҳақида гап кетса, сўз айтувчилар кўп бўлади. Уни ҳар ким ўзига яқин олиб, бахри-дили очилиб гапиради. Бунга забардаст журналист, истеъдодли шоир, ажойиб инсон Анвар Эшонов ҳақидаги гурунглар ҳам мисол бўла олади. Ҳамкасблар даврасида Анваржонни хотирлаганда, ҳеч муболағасиз, биримиз гапимизни тугатар-тугатмас, бошқамиз у билан боғлиқ воқеаларни ҳикоя қила бошлаймиз. У билан суҳбатлашишдан завқланардик, кўп сабоқлар олардик. У бутун бир даврани ўзига қаратиб гап берарди, кулмаганни ҳам кулдирарди. Бугун биз кекса ижодкорлар унинг ҳазил-мутойибаларини ёшларга айтиб берамиз.

У биримизга қадрдон дўст, биримизга ака, бошқамизга эса ука эди. Ҳеч ким Анваржондан ўзини олиб қочмас, қайтанга суҳбатига келиб қўшиларди. Давраларда, бир пиёла чой устида бўларди унинг ҳазиллари. Лекин ижод ҳақида сўз кетса, у жиддий гапирарди, масъулият билан ёзарди. Сўзларни чертиб-чертиб, топиб-топиб ишлатарди. Сўзлари шеърий, сатрлари салмоқли, залворли бўларди. Гоҳи суҳбатлари чоғида «Ғафур Ғуломнинг ўрнига қолганман», дерди ҳазиллашиб. Аслида Ғафур Ғулом шеърларидаги салобат, фалсафа унинг сатрларида ҳам сезилиб турарди, десак муболаға бўлмас.

У шеъриятда ҳам, журналистикада ҳам ўз ўрнига эга ижодкор эди. «Ўзбекистон овози»да, «Гулистон» журналида ишлаган кезлари юксак савияли публицистик мақолалар, ўткир фельетонлар ёзди. Республика радиосида шеърлари, очерклари мунтазам эшиттириларди.

Бугун ҳам ижодкорлар дўстимизнинг дилкаш суҳбатларини ва унинг ёзган мақолалари-ю шеърий асарларини мамнуният билан эътироф этишади, эслашади. Сўзларининг жозибадорлиги, самимийлиги, табиийлигини ибрат қилиб кўрсатишади. Унинг «Дутор», «Регистон», «Нон иси», «Йигирма миллион оқ кабутар» сингари асарлари бунга яққол мисол. У ўзининг илк китоби «Бир оғиз сўз»ини 1963 йили 26 ёшида нашр эттирган эди. Китоб сўзбошисида муаллиф шундай деб ёзганди: «Бир оғиз сўз билан одам подшо бўлиши мумкин. Бир оғиз сўз билан одам гадо бўлиши мумкин. Мен адабиётга бир оғиз сўз айтгани келдим».

...У умр бўйи бир сўз ахтариб яшади, ижод қилди. Бугун унинг сўзлари davраларда, матбуотда, адабиётда ҳамон жаранглаб, Анвар Эшонов номи барҳаётлигидан далолат бериб турибди. Бундай бахт ҳамма ижодкорга ҳам насиб этавермайди.

**Юнус ЗИЁДОВ,**
**меҳнат фахрийси.**


## ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

*Тошкент педиатрия-тиббиёт институти қошидаги 2-сон академик лицейи 9-синфни тугатган ўғил-қизларни ўқишга таклиф қилади.* Академик лицей табиий фанлар йўналишига ихтисослашган бўлиб, биология, кимё, шунингдек, она тили ва адабиёт фанларидан ўқувчиларга чуқурлаштирилган билим берилади. Дарслар юқори малакали ўқитувчилар томонидан олиб борилади.

***Ўқиш муддати — 3 йил.***

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Султонали Машҳадий кўчаси, 217-уй.**
**Мўлжал: «Шампан заводи» бекати. Автобуслар: 16,21,30.**
**Телефонлар: 169-39-90, 169-39-91.**






Биринчи республика тиббиёт коллежи томонидан 2006 йилда Тоғаев Матжон Искандарович номига берилган KN 564031 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.



«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



Г — 449
11212 nusxada bosildi
т — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 22.15
Topshirilgan vaqti — 22.15
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda